



“ДОЛЗАРЬ 90 КУН”: ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДА ТАНАФФУС БЎЛМАЙДИ



UZA O'zbekiston Milliy axborot agentligi

UZA O'zbekiston Milliy axborot agentligi

СИЁСИЙ ПУЛЬС. МУНОСАБАТ

ИСЛОҲОТЛАР ИЖРОСИДА ЯНГИ ТИЗИМ

Ижтимоий давлат – бу моҳиятан халқпарвар давлат. Мамлакат ҳаётидаги ҳар бир янгилик, ўзгариш, мавжуд қонунчилик ва яратилган ижро механизми, аввало, аҳолининг кенг қатлами манфаатларига хизмат қилиши керак. Давлат хизмати самарадорлиги эса халқ эҳтиёжларини қондириш, инсон қадрини улуғлаш билан ўлчанади.

Жорий йилнинг 16 июнь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши ва аҳолини қийнаётган масалалар таҳлили бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида кўпдан буюн оддий одамларни ўйлантириб келаётган қатор муаммолар тилга олинди. Ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги бўшлиқларга чўқур ёндашув асосида ҳақчил ечимлар билдирилди.

► (Давоми 2-бетда)

ХАЛҚ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ҚОНУНЛАР

ҲУҚУҚИЙ АДОЛАТ ВА ДАВЛАТ
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ
ОЧИҚЛИГИНИНГ МУҲИМ
ШАРТИДИР



Мутахассисларнинг фикрича, меҳнат миграцияси тўғрисидаги иш ўринлари ва меҳнат тақчиллиги бор мамлакатга “интилиш” иқтисодий ривожланишнинг муҳим хусусияти ҳисобланади. Иқтисодиётнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатадиган молиявий “донор” эса ташқи меҳнат миграцияси ҳисобланади. Ўзбекистон иқтисодиёти йилига ўртача 300 мингга яқин янги иш ўринларини яратмоқда. Қарийб 200 минг фуқаро эса иш излаб, чет элга кетади. Мазкур масаладаги мутахассисларга кўра, буни юқори демографик ўсиш билан изоҳлаш мумкин. Жараённинг ўзи эса “демографик дивиденд” сифатида баҳоланади. Яъни, миграция дегани фуқароларни бир ёққа чиқариб юбориш эмас, миграция — бу ишчи кучи экспортидир.

► (Давоми 3-бетда)



ЗАМИНДА ҚУЁШДАЙ ПОРЛАР НАМАНГАН

ДОЛЗАРЬ МАВЗУ

Инсониятга хавфсиз ОЗИҚ-ОВҚАТ КЕРАК

“Қотган нон. Бир ёғи чириган олма. Моғор босган пишлоқ. Бундай маҳсулотлар билан нима қилиш керак? Кўпчилик уларни ташлаб юборади. Дунёдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг учдан бир қисми чиқинди идишларида ётади. Жаҳон иқтисодиёти бундан ҳар йили қарийб триллион доллар зарар кўряпти”, — деб ёзади БМТ.

► (Давоми 6-бетда)

ИСЛОҲОТЛАР ИЖРОСИДА ЯНГИ ТИЗИМ

► (Давоми. Боши 1-бетда)



Тўғри, глобал иқтисодий тебранишларга қарамай, мамлакатимизда узокни кўзлаб олиб борилаётган ислохотлар бугун ўзининг амалий натижасини бермоқда. Жорий йилнинг беш ойида юртимиз sanoati 6,4 фоизга, экспорт ҳажми 18, хорижий инвестициялар 46 фоизга ўсгани бунинг далили. Ўтган даврда қиймати 3 миллиард долларлик 2 минг 500 дан зиёд янги қувват ишга тушиб, 2 миллион 400 минг одам даромад манбаига эга бўлгани муҳим ижтимоий аҳамиятга молик.

Бироқ, йиғилишда таъкидланганидек, айни пайтда дунёда авж олаётган давлатлараро можаролар, бунинг фониди иқтисодий-савдо алоқалари ва логистика қийинлашиб бораётгани, аввало, тинчликни сақлашни, ижтимоий адолатни ва инсон кадрини улуғлашга бўлган эҳтиёжни таъминлашни ҳар бир мамлакат олдида устувор вазифа қилиб қўймоқда.

Мана шундай мураккаб вазиятда давлат хизматчилари, биринчи галда ҳокимлар ва вазирлар бемалолчилик кайфиятига берилмай, балки жонбозлик билан ташаббус кўрсатиб ишлаши, одамлар билан, бизнес вакиллари билан мулоқотни янада кучайтириб, улар дуч келаётган муаммоларни қисқа фурсатда ва қонуний ҳал қилиб бериш масъулиятини гарданига олмоқлари зарур.

Йиғилишда бу масала ҳудудлар ва тармоқлар кесимида таҳлил қилиниб, тизимли камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Масалан, ҳар бир тумандаги 40 дан зиёд ташкилотда ўртача 500 нафар ходим ишлайди. Лекин айрим оддий масалаларни ҳал қилиш учун ҳам вилоятдан, улар эса республикадан рухсат олиши керак. Ёки, ваколати ва маблағи етарли бўлган ташкилотлар ўзини "назоратчи" деб билиб, аҳолининг оғирини энгил қилиш билан шуғулланмапти.

Давлат раҳбари вазирлар, ҳукуматдаги масъуллар тартиб-интизомга қаттиқ эътибор бермагани учун ислохотлар ижроси чўзилиб кетаётганига, суд қарорлари вақтида бажарилмаётгани юзасидан мурожаатлар кўплигига урғу берди.



ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ ТАРКИБИ ФИДОЙИ МУТАХАССИСЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИЛАДИ. ЭНДИ ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИГА ВИЛОЯТ ВА ТУМАН ҲОКИМИНИНГ ЎЗИ РАҲБАРЛИК ҚИЛАДИ. УЛАР ҲАР КУНИ ИШИНИ АҲОЛИ ДАРДИ ВА ТАШВИШИНИ ЭШИТИШДАН БОШЛАЙДИ.

Йилнинг қолган даврида юртимизга 26,5 миллиард доллар инвестиция киритилиши, 1 сентябргача 3,3 миллиард долларлик 35 та йирик лойиҳа ишга туширилиши кўзда тутилган. Яқинда бўлиб ўтган IV Тошкент халқаро инвестиция форумида хорижий ҳамкорлар билан 30,5 миллиард долларлик савдо ва инвестиция шартномалари имзоланди. Улар бўйича ҳам тизимли иш олиб бориш керак.

Йиғилишда ижро интизоми мустаҳкамлаш, аҳоли муаммолари билан ишлаш бўйича янги тизим йўлга қўйилиши белгиланди.

Шундай қилиб, бундан буён ижро интизомига Ҳисоб палатаси



ДАВЛАТ РАҲБАРИ ВАЗИРЛАР, ҲУКУМАТДАГИ МАСЪУЛЛАР ТАРТИБ-ИНТИЗОМГА ҚАТТИҚ ЭЪТИБОР БЕРМАГАНИ УЧУН ИСЛОХОТЛАР ИЖРОСИ ЧЎЗИЛИБ КЕТАЁТГАНИГА, СУД ҚАРОРЛАРИ ВАҚТИДА БАЖАРИЛМАЁТГАНИ ЮЗАСИДАН МУРОЖААТЛАР КЎПЛИГИГА УРҒУ БЕРДИ.

масъул ҳисобланиб, унинг ваколатлари кенгайтириладиган бўлди. Берилган маблағларнинг фақат тўғри сарфланиши эмас, балки нима самара бергани, аҳоли бундан қанчалик рози бўлгани ҳам ўрганилади. Палата бу таҳлиллардан келиб чиқиб, давлат раҳбарига таклифлар киритади. Президент Администрациясининг Назорат инспекцияси тугатилади.

Аёнки, мамлакатимизда халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қиладиган самарали ва барқарор тизимни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудлардаги Халқ қабулхоналари фаолияти йўлга қўйилган. Аммо кейинги пайтларда Халқ қабулхоналари аҳоли дардини эшитиб, масалаларни ҳал қилиш ўрнига, мурожаатларни давлат ташкилотларига тақсимловчи воситачига айланиб қолгани, жойлардаги муаммолар ҳал бўлмагани учун ижтимоий тармоқлар орқали чиқишлар кўпайгани танқид қилинди. «Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири, унинг дарди ва умиди турганини унутмаслигимиз керак. Халқнинг дарди билан яшаш биз учун мажбурият», – деди Шавкат Мирзиёев.

Аҳоли мурожаатлари билан ишлашни янги сифат босқичига чиқариш мақсадида Тошкент шаҳрида ўзини оқлаган "Халқ назорати" электрон портали бутун республикада ишга

туширилиши айтиб ўтилди. Бу тизим мурожаатларнинг ягона платформаси бўлади ва унга барча вазирлик, идора, ҳокимликлар уланади. Халқ қабулхоналари таркиби фидойи мутахассислар билан тўлдирилади. Энди Халқ қабулхоналарига вилоят ва туман ҳокимининг ўзи раҳбарлик қилади. Улар ҳар куни ишини аҳоли дарди ва ташвишини эшитишдан бошлайди. Бугун туғилган муаммони кейинга ўтказишга йўл қўйилмайди. Мурожаатни бошқа идорага юбормасдан, шу жойнинг ўзида ҳал қилади. Бунинг учун туман ҳокимининг ваколатлари кенгайтирилади.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижадорлиги куйидан, яъни туман бўғиндан бошланади. Агар туман бўғини самарали ишламаса, ҳеч бир жабҳада кўзланган мақсадга эришиб бўлмалигини қайд этган давлат раҳбари бу бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Амалда ҳокимда туман ташкилотлари штатини тақсимлаш, яхши раҳбарни рағбатлантириш, сустроғини вазифасидан озод қилиш юзасидан ваколат йўқ. Ҳоким ҳам, ўринбосарлари ҳам кўп вақтини йиғилиш ўтказишга сарфляпти. Қуйи бўғиндаги штатлар ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадига мос эмас. Тармоқ ташкилотлари кўп йиллик режалар дастурини қилиб, ташаббус кўрсатмапти, кунлик топшириқлар билан овора.

Мазкур ҳолатга узил-кесил нуқта қўйиш учун энди туманларда ёндашув ҳам, бошқарув тизими ҳам ўзгаради. Бу йил Сурхондарё вилоятида ҳамда 16 та ҳудудда – Бектемир, Қўнғирот, Чимбой, Асака, Гиждувон, Галлаорол, Яккабоғ, Хатирчи, Чортоқ, Булунғур, Сирдарё, Қува, Шовот, Ҳазорасп туманлари, Марғилон ва Янгийўл шаҳарларида янгича бошқарув жорий этилади. Яъни иқтисодиёт ва молия, инвестиция, қишлоқ хўжалиги, бандлик, қурилиш, экология, маданият, оила ва хотин-қизлар, ёшлар масалалари бўйича 9 та давлат идорасининг туман бўлими ҳокимлик тизимига ўтади. Улардаги жами штатларни тақсимлаш, ишга олиш ва бўшатишни ҳоким ҳал қилади. Туманлар ихтиёрида қоладиган маблағлар манбаси кўпайтирилади.

Ҳокимда 4 нафар ўринбосар бўлади. Туман ё шаҳарнинг ривожланиш режасига қараб, қайси соҳа бўйича ўринбосар бўлишини унинг ўзи белгилайди. Ҳоким ўринбосарига аниқ вазифалар юклатилиб, ҳар бир вазифа ва функцияси маблағи билан мустаҳкамланади.

Ҳоким ва унинг ўринбосарлари самарадорлик кўрсаткичларини тўлиқ бажарса, кейинги йил ҳудудга бериладиган маблағ 10-15 фоиз кўпайтирилади. Акс ҳолда, маблағ оширилмайди ва масъул раҳбар ишдан кетади.

Туманда соҳа мутасаддилари ва етакчи тадбиркорлардан иборат "Ислохотлар штаби" тузилади. У орқали маҳаллалар кесимида лойиҳа, инфратузилма, молиявий манба, кадрлар масаласини қамраб олган уч йиллик дастур тайёрланади. Келгуси йил учун бюджет, инфратузилма, ишлаб чиқариш, хизмат, инвестиция ва бандлик дастурлари шу асосда тасдиқланади.

Ҳозирча Сирдарё туманида йўлга қўйиладиган бу янги тажриба, натижаларга қараб, келгуси йилдан бутун республикамизда татбиқ қилиниши назарда тутилган.

Яна бир муҳим янгилик – ишчан ва жозибадор муҳит яратиш учун жорий йилнинг 1 августидан барча вилоят ва туман ҳокимликларида иш ҳақи оширилади, ходимларга ишига

қараб ойлик устама ва қўшимча бонус берилади. Лекин, ўзига юклатилган вазифани бажара олмаганларга чора кўрилади.

Йиғилишда ҳудудларда бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий инфратузилмаларни, инвестиция ва экспортни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Солиқ маъмурчилигини яхшилаб, аҳоли тадбиркорлигини ва иш ўрни яратишни қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди.

Маҳаллаларга сув олиб бориб, мева-сабзавот етиштириш, замонавий агротехнологиялар орқали экспортни кўпайтириш имкониятлари кўрсатиб ўтилди. Ўрмон ва яйловлардан чорвачиликда фойдаланиб, гўшт ва сут маҳсулотларини кўпайтириш, озиқ-овқат инфляциясини жиловлаш чора-тадбирлари белгиланди.



Акбар ФАЗИЛОВ, халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашидаги ЎзХДП депутати:

-16 июнь куни Президентимиз раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши нафақат ижро тизими мутасаддилари, балки ҳар биримизни тўғри ҳулоса чиқариб, жамиятда ижтимоий адолатни, барқарорликни таъминлаш борасида энг долзарб вазифаларни белгилаб олишимизга ундагани билан аҳамиятлидир. Унда халқимиз ҳаётини сифат жиҳатидан кўтариш, одамлар эътирозларига сабаб бўлаётган омилларни бартараф этиш, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ижросини кечиктирмаслик масалалари устувор ўринда турди.

Жумладан, мамлакатимизда биринчи ярим йилликда 2 миллион 600 минг аҳолини

банд қилиш, 722 минг одамни камбағалликдан чиқариш режа қилинган. Лекин маблағ ва шароит бўлса-да, бандлик режаси 15 та туманда тўлиқ бажарилмагани танқид қилинди. Ушбу туманларнинг ҳокимлари уч ой ичида бу режани уддаламаса, ишдан олиниши айтилди.

Ёки ҳудудларда шаҳарсозлик ишлари жадал амалга оширилаётган ҳозирги пайтда аҳолида норозилик келтириб чиқараётган бир ҳолатни олиб кўрайлик. Яширмаймиз, бугун уй-жой қуриб сотиш энг қулай бизнес турига айланиб қолган. Қурилиш ташкилотларига бу мақсад учун мавжуд спорт майдончалари ва болалар ўйингоҳлари, ўйлар орасидаги яшил ҳудудлар бериб юборилаётгани таассуфли. Айниқса, ҳозирги экологик танглик ортиб бораётган бир пайтда яшил ҳудудларни, одамлар тоза ҳавога чиқиб ўтирадиган жойларни, спорт майдончаларини, фонтанларни кўпайтириш ўрнига уларга "чанг солиш" кечириб бўлмас ҳолат. Йиғилишда Президентимиз бу масалага тўхталиб, масъулларни ҳушёр тортишга чақирди. Йўл қуриш ва таъмирлаш, жамоат транспорти хизматини ривожлантириш, тирбандликларни, автоҳалокатларни камайитириш, йўллардаги фақат қоидабузарликни қайд этиб, жарима ёзиш учун ишлаётган камералар дислокацияси муаммолари ўртага ташланди.

Умуман олганда, бу йиғилиш давлат хизматчиларини дунёда юз бераётган воқеалардан ҳулоса чиқарган ҳолда мамлакат тақдири учун, халқимиз учун манфаатли жараённинг ташаббускорига айланшида жиддий қаҳриқ бўлди.

Бунга жавобан биз, депутатлар ҳам ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ваколатларимиз доирасида фаол иштирок этиб, аҳоли томонидан кўтарилган муаммоларни маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан биргаликда ечиш чораларини кўришимиз, халқимизни рози қилишимиз лозим. Одамларимиз, қолаверса, давлат раҳбари биздан кутаётган реал натижа шу аслида.

Фарида МАҲҚАМОВА тайёрлади.

АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ, ҲУДУДЛАРДА ИШЛАРНИНГ БОРИШИ, АҲОЛИНИ УИЛАНТИРАЁТГАН МАСАЛАЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШ ЮЗАСИДАН ВАЗИФАЛАР*

*2025 йил 16 июнда Президент раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши юзасидан.

@press.secretary.uz @press.secretary.uz @Press_Sec_Uz @PressSecretaryUZ

ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, АҲОЛИ МУАММОЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ БҮЙИЧА МУТЛАҚО ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ.

- Ижро интизомига Ҳисоб палатаси масъул бўлади, унинг ваколатлари кенгайтирилади.
- Ҳисоб палатаси фақат қарорлар билан берилган маблағларни тўғри сарфланишини эмас, балки нима самара бергани, аҳоли бундан қанчалик рози бўлганини ҳам ўрганади.
- Ҳар бир қарор ижроси натижадорлиги таҳлил қилиниб, зифт нуқталар, суст раҳбарлар ва ишламаётган тизимлар бўйича ҳар ойда Президентга таклиф киритилади.

"ХАЛҚ НАЗОРАТИ" ЭЛЕКТРОН ПОРТАЛИ БУТУН РЕПУБЛИКАДА ИШГА ТУШИРИЛАДИ.

- Аҳоли қурилиш, ободлаштириш ва инфратузилма муаммоларини суратга олиб, аниқ манзилни кўрсатган ҳолда мобил илова орқали Порталга юбориши мумкин бўлади.
- Масаланинг ечим ҳам фотосурат билан тасдиқланади. Қанчалик тез ва сифатли ҳал этилишига қараб, ҳокимлар фаолияти кунлик баҳолаб борилади.
- Бу тизим мурожаатларнинг ягона платформаси бўлади ва унга барча вазирлик, идора, ҳокимликлар уланади.

ХАЛҚ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ҚОНУНЛАР

ХУҚУҚИЙ АДОЛАТ ВА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИНГ МУҲИМ ШАРТИДИР



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Этиборлиси, ушбу тушунча ва амалиёт бутун дунёда мавжуд. Давлатнинг вазифаси эса иқтисодий салоҳиятни оширишга хизмат қилувчи мазкур жараёни сифатли тартибга солишдан иборат.

Масалан, мамлакатдан чиқиб кетаётган фуқаронинг муайян билим-кўникмаларни эгаллаши ва тил ўрганишини таъминлаш талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, миллий қонунчилигимизда миграция масалаларига оид нормалар янгиланиб, такомиллаштириб борилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг жорий ҳафтадаги мажлисида "Миграция жараёнларини бошқариш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Аввалроқ айна масала Ўзбекистон ХДП фракцияси ййгилишида муҳокама қилинган эди.



Депутат Сайёра Имомова лойиҳа ҳақида фикрларини билдирган экан, мигрант бўлиш осон эмаслигини таъкидлади. Ва бу синовдан ўтиш учун катта сабр ва матонат кераклигига урғу берди. Шунинг учун миграция оид муаммоларни ҳал қилиш учун комплекс ёндашув талаб этилади.

Айтиш керакки, партия ўз Сайловолди дастурида меҳнат миграцияси тизимини такомиллаштириш бўйича қатор масалаларни илгари сурган. Фракция аъзолари ушбу жиҳатни инобатга олган ҳолда ўз таклифларини билдирди.

Қайд этилишича, ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни иш берувчидан ёки буюртмачидан ундириш тартиби бекор қилинмоқда. Қолаверса, сарҳадларимиздан ташқарида иш қидираётган шахслардан республикамиздан ташқаридаги ишга жойлаштириш бўйича хизматлар учун ҳақ ундириш бўйича тақиқ олиб ташланмоқда. Миграция агентлигига хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий таъсир чораларини қўллаш ваколати берилляпти.

Депутатларга кўра, бу айна мудоао. Чунки жойларга чиққанда сайловчилар ушбу масалага оид қатор саволлар билан ҳамда ёрдам сўраб, мурожаат қилган.

Қолаверса, хусусий бандлик агентликларига хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган фуқароларни касб-хунарга ва чет тилларига ўқитиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда ушбу жараёнга ҳамкор хорижий иш берувчиларни жалб қилиш ҳуқуқини бериш назарда тутилмоқда.

Киритилётган ўзгартириш ва қўшимчалар хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларини кафолатлаш, миграция соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантирган ҳолда хусусий секторни янада кенгроқ жалб қилиш ҳамда хизматларни рақамлаштириш жараёнларини тартибга солади. Ана шунга асосланиб, лойиҳа маъқулланди.

БИР ОЙ КЕЛМАГАН ЖАРИМА ТўЛАНМАСЛИГИ МУМКИН

Сир эмаски, йўллар тартибни ёқтиради. Бу эса унда ҳаракатланувчилар зиммасига қатор мажбуриятлар юклайди. Акс ҳолда, турли ачинарли ҳодисалар келиб чиқиши муқаррар. Қонунчилик палатасининг

мажлиси ҳамда партия фракцияларида муҳокама қилинган яна бир қонун лойиҳаси ушбу тизимга оид ўзгариш хусусида бўлди. Яъни, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқида кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда йўл ҳаракати қоидаларини янада такомиллаштириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда хавфсизлиқни назорат қилиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни сифат босқичига чиқариш, ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш маданиятини ошириш, шунингдек, йўл ҳаракатининг ташкил этилишини тўлиқ рақамлаштиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди.

Бироқ бу ҳаммаси изига тушиб, муаммоларга барҳам берилди, дегани эмас. Замон инсоният олдига янги имкониятларни кўяр экан, уларга мос равишда мажбуриятларга ҳам ишора қилади. Шу маънода халқро тажриба ўрганилиб, умумэтироф этилган меъёрларга амал қилиш муҳим саналади.

Қонун ташаббускорларига кўра, айрим хорижий давлатларда маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун жарима жазоларидан ташқари "оғзаки огоҳлантириш" ва "огоҳлантириш" жазоси мавжуд. Бунда биринчи марта кам аҳамиятли маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган фуқароларни жаримага тортиш ўрнига, содир этган қилмишининг ижтимоий оқибатларини тушунтирган ҳолда огоҳлантириш амалиётида бундай қилмишлар содир этилишининг олдини олишда юқори натижаларни бермоқда.

Шунинг учун таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга "маъмурий огоҳлантириш" жазо чорасини киритиш назарда тутилган. Яъни, ижтимоий хавфлиги кам бўлган йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун огоҳлантириш жазосини қўллашни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш белгиланмоқда. Мисол учун, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 6-моддасида акс этган қоидалар, яъни камар тақмаслик, техник қуриқдан ўтказилмагани, тегишли анжомлар билан жиҳозланмагани, телефон, монитордан фойдаланиш, тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузганлик, мажбурий сўғурта қилинмагани, пиёдалар ва бошқалар томонидан биринчи марта қоидабузарлик содир этилганда, жарима эмас, маъмурий огоҳлантириш чораси қўлланилади. Бу чора бир йилда бир марта амал қилади.

Муҳим янгиликлардан яна бири, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун фото ва видео орқали расмийлаштирилган жарималар бир ойдан кеч юборилса, улар ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Гап шундаки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 36-моддасига янги норма киритилмоқда. Хусусан, йўл ҳаракати қоидалари бузилгани махсус автоматлаштирилган фото ва видео техника воситалари орқали қайд этилган ҳолларда маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин. Қолаверса, йўлнинг узуксиз чизигини босиш каби айрим ҳолатлар фото-видео мосламалар орқали қайд этилмаслиги кутилмоқда.

Лойиҳа автомобиллардан фойдаланишда аҳолига қўшимча қўлайликлар яратиш, соҳада фуқароларни қийнаб келаётган айрим муаммоларни бартараф этишга қаратилган. Таклиф этилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар қанчалар ҳаётий бўлмасин, модда ва меъёрлар бир-бирини инкор қилмаслиги зарур. Шу маънода депутатлар айрим саволлар билан мурожаат қилди.

Жумладан, тегишли кодекснинг бошқа бир моддасида судлар томонидан қоидабузарлик учун жазони енгиллаштириш ҳуқуқи белгиланган бўлиб, уларда "маъмурий огоҳлантириш" жавобгарлиги қўлланилиши мумкинми, деган савол йўлланди. Шунингдек, бир

марта қўлланиладиган тақиқ 33-моддага зид бўлиб қолмайдими, деб сўрашди депутатлар.

Қайд этилишича, огоҳлантиришга оид жазо турли ҳуқуқбузарликнинг профилактикаси мақсадида киритилмоқда. Шу тарика келгусида бошқа қоидабузарликларнинг олдини олиш учун ҳуқуқбузар огоҳлантирилади. Суд қарори билан жазони енгиллаштиришга оид модда ва унга алоқадор нормалар сақланиб қолади.

Узоқ давом этган муҳокамада яна кўплаб саволлар берилди. Иккинчи ўқишгача ўзгартирилиши керак бўлган қонунга аниқлик киритилди. Қўйи палата аъзолари фикрича, қонун қабул қилинса, фуқаролар жарималар ҳақида ўз вақтида хабардор бўлади. Кеч юборилган қарорлар эса бекор қилиниши мумкин. Билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида лойиҳа концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

ФРАКЦИЯ ЭЪТИРОЗ БИЛДИРДИ

Фракция ййгилишларида қизгин муҳокама қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тафовут ҳамда зиддиятларни бартараф этишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси палата мажлисида кўриб чиқилди.

Ташаббускорларга кўра, мазкур қонуннинг зарурати бир қанча масалаларни қамраб олган. Аввало, янги таҳрирдаги Конституция ҳамда "Ўзбекистон – 2030" стратегияси билан миллий қонунчиликни такомиллаштириш назарда тутилган. Ушбу ҳужжатларда қонун ижодкорлиги жараёни сифати ва самардорлигини ошириш, ҳуқуқий тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш белгиланган.

Шунингдек, норма ижодкорлиги фаолиятида ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар назарда тутилган ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бир хиллигини таъминлаш вазифаси юклатилган. Бу эса айрим қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш заруратини юзага келтирмоқда.

Фракция ййгилишида узоқ давом этган муҳокамаларда кўплаб масалаларга оид аниқлик киритиш таъкидланган бўлиб, депутатлар бу борада ўз таклифларини билдирган эди. Палата мажлисида эса партия фракцияси раҳбари Улугбек Иноятов фракциянинг эътирозларини баён қилди.

Таъкидландики, аввало, қонун лойиҳасининг номи унинг концепцияси ва мазмунига мос келмайди. Яъни, лойиҳа 12 та қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш билан чекланмайди. Шунингдек, тизимли ёндашув йўлга қўйилмаган ва соҳалар бўйича пала-партиш таҳлил қилинган. Биринчидан, лойиҳада тармоқлар ва соҳалар сақланиб қолмаган. Масалан, иқтисодий қонунчиликка, суд-ҳуқуқ тизимига, саноат, ижтимоий соҳадаги бир қатор қонунларга ўзгартириш ва



АВВАЛО, ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ НОМИ УНИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА МАЗМУНИГА МОС КЕЛМАЙДИ. ЯЪНИ, ЛОЙИҲА 12 ТА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚўШИМЧА КИРИТИШ БИЛАН ЧЕКЛАНМАЙДИ. ШУНИНГДЕК, ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ ЙўЛГА ҚўЙИЛМАГАН ВА СОҲАЛАР БўЙИЧА ПАЛА-ПАРТИШ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНГАН.

қўшимчалар киритиш назарда тутилган ва қонун номига кўра зиддиятлар эмас, мувофиқликка урғу берилган.

Фракция раҳбарига кўра, бу қонун ижодкорлиги нуқтаи назаридан лойиҳани сифатли муҳокама қилишда ноқулайликларни юзага келтиряпти. Зеро, лойиҳа йўналишидан келиб чиқиб, бир қўмитага тааллуқли бўлмай, аралашиб кетган.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасининг муқаддимасига эътибор берилмаган бўлса, у ерда мақсад-вазифалар тўлиқ акс эттирилмаган. Қонун лойиҳаси тафовутларнинг олдини олишга қаратилган, бироқ инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ конституцион нормаларни амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш назарда тутилмаган.

Партия фракцияси мана шуларни инобатга олган ҳолда, лойиҳа матнини таҳрир қилиб, кейин қайта киритиш керак, деган фикрни билдирди.

Фракция аъзолари бошқа йўналишлардаги қонунларда тафовутлар борлигини, уларни ҳам тезроқ бартараф этиш лозимлигини таъкидлади. Зеро, депутатлар бундай ташаббусларни қўллаб-қувватлашни билдириб, ёрдамга тайёрлигини маълум қилди.

Ййгилишида таъкидланганидек, ўзХДП ижтимоий тенглик, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий адолат ва давлат органлари фаолиятининг очиқлигига хизмат қилувчи қонунларни қўллаб-қувватлашни ўзининг устувор вазифаси деб билади. Ййгилиш якунида фракция аъзолари келгусида ҳам халқ манфаатларини ифода этувчи, фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган қонунлар ишлаб чиқилишида фаол иштирок этишини маълум қилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



ДЕПУТАТНИНГ БИР КУНИ

ҲАР КУННИНГ ҲИСОБИ БОР

Депутатлик мақоми шунчаки берилмайди. Унинг моҳиятини ҳис қилган бу анчагина масъулиятли ва залворли эканини яхши билади. Шу боис эл ичига қиради. Сайловчилар билан учрашади, уларни тинглайди, муаммоларга масъуллар эътиборини қаратади. Шуниси аниқки, қаерда амалий иш бўлса, ўша жойда ривожланиш ҳам бўлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси, "Шуҳрат" медали соҳибаси Дилбар Мамажонованинг бир кунлик иш фаолиятига назар ташлаш асносида бунга амин бўлдик.

Депутат билан Фарғона тумани томон йўл олдик. Йўл-йўлакай Ўзбекистондаги бугунги ижтимоий-сиёсий ислохотлар, уларнинг самараси ва депутатлик мақомининг мустаҳкамлангани ҳақида суҳбатлашиб кетдик.

— Депутат шахси қандай бўлиши кераклиги ҳақида халқаро стандартлар йўқ, — дейди Дилбар опа. — Лекин юз минглаб инсонларнинг номидан гапирадиган шахс камида виждони олдига ҳисобдор, теран фикрли ва дунёқарши кенг бўлиши керак, албатта.

Депутат ҳеч қачон сайловчиларнинг назарида масаланинг моҳиятига етмаган, йиғилиш тезроқ тугаганини кутаётган, чарчаган ёки бошқа ишончсизликка сабаб бўладиган ҳолатларга тушмаслиги лозим. Бир сўз билан айтганда, депутат бошқалар учун намуна бўлишга маънавий мажбур.

Фикримни далиллайман. Масалан, давлат Қонунчилик палатасининг ҳар бир депутатини, агар у ҳудуддан келган бўлса, турар жой билан таъминлайди, транспорт, таълим, тиббий ёрдам билан боғлиқ харажатлардан озод қилади. Бу имтиёзлар 5 йилга амал қилади. Ривожланган давлатларда бундан-да кўпроқ имкониятлар яратилган, бизда ҳам ўша даражага етиб борилади, албатта. Имкониятларга, масъулиятга муносиб бўлиб фаолият кўрсатиш — энг муҳим масала.

Депутат ўз вазифасини сидқидилдан бажариши, ўзига берилган ишонччи оқлаши учун бор кучини сафарбар қилиши, аввало унинг инсонийлик бурчидир.

Янги Ўзбекистонни бунёд этиш, муаммоларни мулоқот ва жасоратли меҳнат билан ҳал қилиш талаб этилаётган ҳозирги кунда депутат халқ вакили, деган юртак номга муносиб бўлиши учун унинг яхши инсон экани камлик қиладигандек. Халқимиз истаётган зўр ҳаётга машаққатсиз, нопрофессионал, энгил-елпи ёндашувлар билан етиб бўлмайди.

Биламизки, депутатлар турли соҳа вакиллари билан иборат. Яъни, ўз соҳасида етук мутахассис, катта ҳаётий тажрибага эга, халқ назарига тушган инсонлар бўлади. Тўғри, улар депутатликка сайланганидан кейин парламент фаолиятига адаптация бўлиши учун маълум бир вақт керак. Депутатлик ҳар кун ўз устида ишлашни, бошқалардан кўпроқ ўқиби-ўрганишни, зарур бўлса, ўзини қийнашни тақозо қиладиган фаолият.

Дилбар опа депутатлик масъулияти ҳақида жойиб фикрларини билдирди. Тезда уларни қозғога тушира бошладим. Депутат аёл билан кун бўйи ҳамроҳликда айтган ҳар бир фикри фаолиятида, амалий ишларида ўз исботини топаётганига амин бўлдик.



Фарғона тумани вилоят марказидан 20-25 км узоқликда экан. Савлат тўкиб турган баланд тоғлар, чор-атроф ниҳоятда гўзал! Кўркам боғлар, сўлим, хушманзара табиатга маҳлиё бўлиб, манзилимизга қандай етиб олганимизни ҳам билмадик.

Маълум бўлишича, бу ерда 73 та маҳалла бор, уларда 220 минг ортиқ аҳоли истикомат қилади. Депутат дастлаб туман тиббиёт бирлашмаси томон йўл олар экан, шундай деди:

— Биласизми, ёшлигимда эгнимга оқ халат кийиб, одамларни даволасам дердим. Лекин тақдир тақозоси билан бугун бошқа соҳадаман. Шунинг учун даволаш масканларига келсам, юрагимда бошқача туйғун сезаман...

Туман тиббиёт бирлашмасига кириб борар эканмиз, депутат биринчи бўлиб муассасадаги туғуруқхона фаолиятини ўрганди, бу ердаги шароитлар билан танишди. Мажмуанинг ошхонаси, муолажа хоналарини кўздан кечирди. Давлат томонидан бериладиган бепул дори-дармонлар, уларнинг яроқлилик мuddати ҳам унинг эътиборидан четда қолмади.

Дилбар опа, шунингдек, туман соғлиқни сақлаш бўлими ҳамда юқумли касалликлар шифохонаси фаолиятини ҳам ўрганди.

Фарғона туман соғлиқни сақлаш бўлими ҳудуди атрофини ўраш ҳамда туман юқумли касалликлар шифохонасини капитал таъмирлаш муаммосини инвестиция дастурига киритиш зарурлигини таъкидлади: — Бу масала юзасидан депутатлик сўрови юборишни қайд дафтаримга ёзиб қўйдим. Ҳозир гувоҳи бўлдики, юқумли касалликлар шифохонаси таъмирга муҳтож. Муассасада шароитлар яратилса, керакли ускуналар билан таъминланса, тиббий хизмат сифати ошади. Одамлар ҳаётдан рози яшайди.

Шундан сўнг "Инсон" ижтимоий хизматлар марказига бордик. Депутат марказ фаолияти билан яқиндан танишди.

Марказ ходимлари билан бўлган суҳбатда қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳақида гапирди. "Инсон" ижтимоий хизматлар марказларига берилётган ваколатларга тўхталиди.

Эҳтиёжманд фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан марказ раҳбарияти ва ходимлари билан фикр алмашди, таклифларини ўртоқлашди. Уларга ёрдам бериш йўллари, муаммолар ва ечимлар ҳақида қизгин суҳбат бўлди.

Шу онда депутатга кўнғироқ қилишди. Сайловчи Мирхон Турсуналиев телефон орқали мурожаати борлигини айтди.

Дилбар опа марказдан чиқиши билан сайловчилар ҳузурига ошиқди ва мурожаатчининг отаси Илҳом Турсуналиевнинг хонадонига борди.

Маълум бўлишича, яқинда инсултни бошидан кечирган Илҳом Турсуналиев мусика ўқитувчиси бўлган. Аммо бу дард уни бир хонага михлаб қўйди. Ҳозир унинг ногиронлик аравачасига эҳтиёжи бор.

Дилбар опа яқин кунларда ушбу масалани ҳал қилишни айтди. Мақолани тайёрлаш асносида бу ҳақида сўраганимизда Илҳом Турсуналиев ногиронлик аравачаси билан таъминланганини маълум қилишди.

Депутат тумандаги "Оқбил" оилавий шифокорлик пунктига йўл олди. Поликлиникадаги ҳамшира ва шифокорлар, беморлар, сайловчилар билан суҳбатлашди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, ушбу шифокорлик пункти Дилбар Мамажонованинг олдинги чақирикдаги депутатлик фаолияти давомида юборган депутатлик сўрови асосида реконструкция қилинган. Шунинг учун бу ердаги одамлар уни яхши билади ва яхши кўради.

Ҳақиқатан ҳам, поликлиникадаги шароит кўз қувонтирадиган даражада. Замонавий жиҳозланган ва таъмирланган.

Бу ерда беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар борлиги, керакли тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар етарлигини айтишди.

— 1 нафар шифокор ва 2 нафар ҳамшира ҳар кун кечки соат 20:00 гача навбатчиликда туради. Худди шу маҳалда ҳам қон босими ошиб мурожаат қиладиган кексаларимиз бор. Уларга тиббий хизмат кўрсатамиз, — дейди поликлиника ҳамшираси.

Шундан сўнг "Чимён" маҳалла фуқаролар йиғинига бордик. "Бугун сайёр қабулим. Фуқаролар кутиб туришди. Марҳамат, сизлар ҳам иштирок этинглар", дея қаҳрамонимиз йўл бошлади.

Маҳаллага кириб борганимизда, 50 нафарга яқин аҳоли вакили опани кутиб турганига гувоҳ бўлдик. Кун иссиқ бўлса-да, барчанинг кайфияти яхши. Қабулга "Аёллар дафтари"га кирган хотин-қизлар, фаол отахону онахонлар ўз таклифлари билан келишибди.

Дилбар опа сайловчилар мурожаатларини тинглади. Моддий ёрдам

олиш, ишга жойлашиш билан боғлиқ масалаларда мурожаат бўлди.

Шу кун ушбу маҳаллада яшовчи Марғуба Тоштемирова депутатга боласини боғчага бериш учун рўйхатга қўйгани, аммо навбати келмаётгани ҳақида айтди. 5 ёшли Мустафонинг отаси касал, онаси ишга чиқишга мажбурлиги, аммо болани боғчага жойлаштириш учун навбат кута олмаслигини билдирди.

Дилбар опа мурожаатчи билан бирга 11-сонли мактабга таълим ташкилотига борди. Вазиятни тушунтирди. Ўша куннинг ўзида 5 ёшли болакай муассасага навбатсиз қабул қилинди.

Хуллас, қабулга келган ҳар бир фуқаро ўзи ва маҳалладошлари дарди-ташвиши, орзу-ниятини изҳор этишга ошиқди. Дилбар опа мурожаатларни қозғога тушириб, режаларни белгилаб олди. Қайси масала юзасидан қайси мутасадди билан мулоқотда бўлиш зарурлигини ўзи учун қайд этиб, аҳоли вакиллари кўнғилда умид чирогини ёқди.

Бу ердан чиқишимиз билан депутат мурожаатчилар яшайдиган манзил томон шошилди.

— Ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайди. Чунки унинг ортида инсон манфаати турибди. Ҳар гал сайлов оқруғимга келганимизда ҳар бир мурожаатни иппидан-ипгасигача ўрганаман, сайловчилар билан юзма-юз гаплашаман, муаммоларни уларнинг ўзидан эшитаман, — дейди у йўл-йўлакай суҳбатда.

"Бўstonобод" маҳалла фуқаролар йиғинига кириб бордик. Аввалроқ сайловчилар маҳалладаги симёғочлар талабга жавоб бермаслиги ҳақида мурожаат қилишган экан.

Аҳоли билан суҳбат жараёнида маълум бўлдики, маҳаллада 10 та симёғочни алмаштириш керак. Ҳақиқатан ҳам, улар хавфли ҳолатда турибди.

Дилбар опа шу ернинг ўзида мутасаддиларга сим қокди. Улар муаммони шу кунгича ҳал қилишга ваъда беришди. Аҳоли билан дийдорлашув, ҳол сўраш, муаммоларни тинглаш кун охиригача давом этди.

Одам одам билан. Опанинг ўзи ҳам бу ишлардан завқ-шавқ олиб, куч-ғайратга тўлганини ҳис қилдик. Халқнинг дуосини олишдан улўғроқ саодат борми, ахир?!

Кун охирида қолганда депутатга симёғочларни алмаштириш ишлари бошлаб юборилгани ҳақида хабар қилишди.

Депутат билан бир кунимиз шундай ўтди. Кеч тушиб пойтахтга қайтаётганимизда сайловчилар билан учрашувлар ҳақида суҳбатлашдик.

Гап орасида Дилбар опа шундай деди: — Бу галги учрашувлар ҳам анча самарали бўлди. Ҳозир қайд дафтаримни кўриб, маълумот учун сизга айтишни жоиз топдим.

Аввалги кундаги учрашувларим давомида Фарғона туманида 9 та насос станцияси ҳамда Шоҳимардон туризм қишлоғига айлантирилаётгани сабабли, чет эллик туристлар учун "яшил коридор" ташкил этиш, соғлиқни сақлаш бўлими ҳудуди атрофини ўраш ҳамда туман юқумли касалликлар шифохонасини капитал таъмирлашни инвестиция дастурига киритиш бўйича депутатлик сўрови юборишни режалаштирдим.

Кейинги сафар сайловчилар ҳузурига ёруғ юз билан келишим учун уларнинг мурожаатларини ҳал қилишга эртанинг ўзидаёқ киришаман...

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ — ТИЗИМЛИ МУАММОЛАРГА САМАРАЛИ ЕЧИМ

Янги тартиб-таомилларни ҳаётга жорий этишдан олдин уларни тажриба-синов тарзида қўллаш амалиёти кенгайиб бормоқда. Таҳлилларга кўра, 2018 — 2024 йиллар давомида давлат бошқаруви, сайлов, солиқ, соғлиқни сақлаш, юридик хизматлар, уй-жой ва коммунал, инвестиция, хусусий мулк ҳимояси каби соҳа ва тармоқларда 60 дан ортиқ эксперимент ўтказилган. Бу юртимизда ҳар йили ўртача 10 га яқин эксперимент ўтати, дегани.

Ҳуқуқий эксперимент давлат ва жамият ҳаётида муҳим институтга айланиб бормоқда. Унинг ҳуқуқий асослари ва меъёрларини қонун билан белгилаб қўйиш катта аҳамиятга эга.

Тўғри, ҳуқуқий эксперимент институти "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг 34-моддасида қайд этилган. Аммо уни ўтказиш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар комплекс тарзда тартибга солинмаган. Жумладан, эксперимент ўтказиш шартлари ва давомийлик мuddати, ҳуқуқий эксперимент жорий этиш мумкин бўлмаган соҳалар, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар ҳамда маъмурий ҳужжатларнинг эксперимент тугаганидан кейин амал қилиши ёки

қилмаслиги ёхуд жавобгарлик масалалари тартибга солинмаган.

Шунингдек, ҳуқуқий экспериментни ўтказишда ягона ёндашув мавжуд эмас. Яъни, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳа босқичида ёки қабул қилингандан кейин кучга киргунга қадар ёхуд кучга киргандан сўнг экспериментдан ўтказилган.

Мазкур камчиликлар, ҳуқуқий бўшлиқлар турли соҳалардаги ижтимоий муносабатларни тарқоқ ҳолда тартибга солиш салбий амалиётининг давом этишига олиб келмоқда. Бу эса ҳуқуқий коллизиялар, ҳуқуқни қўллашда турлича талқин қилиш ва мураккабликларни юзага келтиряпти.

Айрим жиҳатларга атрофлича тўхталиб ўтадиган бўлсак, эксперимент тартибда қабул қилинган ҳужжатларнинг барчасида уларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва прогнозлари, 23 тасида эса ҳуқуқий экспериментларни яқунлаш мuddатлари мавжуд эмас. Ўтказилган экспериментларнинг 30 таси бўйича таҳлиллар бор, 22 таси бўйича умуман таҳлил олиб борилмаган, 50 таси бўйича эксперимент самарадорлиги баҳоланмаган, 39 таси бўйича уларнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар шакллантирилмаган.

Бундан ташқари, қонунчилик ҳужжатларида эксперимент мuddати

тугамаган бўлса-да, эксперимент самарадорлигини таҳлил қилиш натижасида уни бекор қилиш ҳолатлари ҳам мавжуд.

Юқоридаги камчиликлар ва ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдирish, тартиб-таомилларни аниқ белгилаш мақсадида "Ҳуқуқий эксперимент тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган. Айти пайтда лойиҳа Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

Муайян соҳада норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки экспериментал-ҳуқуқий норма самарадорлигини таҳлил қилиш ҳамда улар натижасида юзага келган ёки келиши мумкин бўлган эҳтимолий оқибатларни ўрганиш, баҳолаш, шу орқали самарали ҳуқуқий нормаларни амалиётга жорий этиш ҳуқуқий экспериментнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Қонун лойиҳаси билан тартибга солинаётган асосий масалаларга тўхталсак. Аввало, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайдиган, бекор қиладиган ёки уларнинг аҳолини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган ҳолларда ҳуқуқий эксперимент ўтказилишига йўл қўйилмаслиги белгиланмоқда.

Ҳуқуқий экспериментни ташкил этиш, ўтказиш, унинг натижаларини баҳолаш ва жорий этишининг бир қатор шартлари акс этляпти. Яна бир муҳим жиҳати, ижтимоий аҳамияти ва мураккаблик даражасига кўра,

ҳуқуқий эксперимент 6 ойдан 3 йилгача бўлган мuddатда ўтказилиши назарда тутилмоқда.

Эксперимент ўтказиладиган ҳудуд тегишли маҳаллий ҳокимият органлари билан маслаҳатлашувлар асосида маъмурий-ҳудудий бирликнинг хусусияти, ўзига хослиги ва табиатидан келиб чиқиб белгилаши мустаҳкамланаяпти.

Ҳуқуқий эксперимент фақат Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Президент фармонлари ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ўтказилиши белгилаб қўйилмоқда.

Шунингдек, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш шакллари, усуллари, уни ўтказиш тартиби ва босқичлари аниқлаштирилмоқда.

Ҳуқуқий эксперимент ўтказишни тўхтатиб туриш ва тугатиш асослари, унинг натижаларини баҳолаш ва яқунларини расмийлаштириш тартиби ҳам назарда тутилляпти.

Илғор технологияли тараққиёт, фаол, шу билан бирга, мураккаб муносабатлар барча соҳаларга чўқур кириб бормоқда. Ҳар қандай ўзгариш ва янгиликни синовдан ўтказгандан сўнг жорий этиш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ саналади. Тизимли муаммоларга энг самарали ечимларни топиш зарур. Ҳуқуқий эксперимент шунинг учун ҳам муҳим институтдир.

"Ҳуқуқий эксперимент тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштиришга, энг муҳими, фуқароларнинг ҳаёти ва фаровонлигини яхшилашга хизмат қилади.

Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



“ДОЛЗАРЬ 90 КУН”: ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДА ТАНАФФУС БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумотига кўра, мамлакатимизда ўтган йили жиноят ишлари бўйича судланганлар сони 61 ярим мингдан зиёд бўлиб, уларнинг 22757 нафарини ёшлар ташкил этган. Афсуски, жиноий қилмишга қўл урган бу ёшлар орасида вояга етмаганлар ҳам бор.

Аслида вояга етмаганлар жиноятчилиги ҳолати жамиятнинг маънавий даражаси ва қиёфасини белгилайдиган унсурлардан. Мутахассислар вояга етмаган шахслар, яъни ўқувчилар нафақат дарс жараёнида, балки дарсдан ташқари вақтларда ҳам ота-оналарнинг, таълим муассасасининг назорати ва тарбиявий таъсири остида бўлиши кераклигини таъкидлайдилар. Тахлилларга таянсақ, қаерда педагогик жамоа бундай жавобгарликни ўз зиммасига олиб, ўқувчиларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этган бўлса, ота-оналар фарзандлари тақдирига зарра қадар ҳам эътиборсиз қарамаса, ўша ерда болалар томонидан қонунбузарликлар кузатилмайдди. Зотан, оила ҳамда ўқув-тарбия муассасаси назоратидан четда қолиш ёшларда бебошлик хиссини юзага келтиради. Вояга етмаганларнинг жиноят кўчасига кириб қолишига сабаб бўладиган омиллардан асосийси ҳам уларнинг назоратсизлиги, бўш вақтлари мазмунли ташкил этилмагани билан боғлиқ.

МАВЗУНИ НЕГА БУ РАКУРСДАН БОШЛАДИК?

Биламизки, нақ уч ой давом этадиган ёзги таътил мактаб ёшидаги болаларнинг, қолаверса, ота-оналарнинг ҳам ўқиш давридаги чарчоқлардан, стресслардан энгил тортиб, ҳордиқ олиши учун қулай фурсатдир. Лекин бугун замон шуни кўрсатмоқдаки, ёзги таътил болалар таълим-тарбиясида танаффусга айланиб қолмаслиги лозим. Айниқса, ота-онаси ишлайдиган, кун бўйи катталар назоратидан четда қоладиган болаларнинг бўш пайтлари тўғри ташкил қилинмаслиги, сал аввал айтиб ўтганимиздек, ҳатто жиноий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Замонавий дунёда болаларнинг айнан бўш пайтларида гаджетларга боғланиб, интернетга қарам бўлиб қолиши, унинг ортидаги нохушликлар – бу энди яна бир оғриқли масала.

Шубҳасиз, ёзги таътил боланинг зиёнига бўлмаслиги керак. Психологлар катталардаги каби болаларда ҳам доимий иш фаолиятини ўзгартмаслик руҳий зўриқишга сабаб бўлишини, йил бўйи ўқигандан кўра таътил пайтлари росмана дам олиб, кейин яна ўқишни давом эттириш нафақат жисмоний саломатликка, балки билимни ўзлаштириш даражасига ҳам фойдали эканини таъкидлайдилар.

Аммо сўнги тадқиқотлар уч ойлик таътилда мактаб

ўқувчилари йил давомида ўрганган маълумотларининг 30 фоизгача бўлган қисмини унутишини кўрсатмоқда. Инглиз тилида бу ҳодисага илмий таъриф ҳам берилган – SLL (Summer Learning Loss), яъни ёзги таълим йўқолиши. АҚШдаги Миссури университети олимларининг ўрганишича, ўқув йили давомида болалар доимий равишда хотирасини, аналитик фикрлашни ривожлантирадиган ва билим олишнинг фаол режимда яшайдилар. Лекин ёзги таътил уларнинг ўзлаштирган кўникмалари ва ўтилган мавзуларни унутишига шароит яратаяди. Доимий машғулотлар талаб қиладиган фанлар, дейлик, математика ёки чет тилларини ўрганишдаги таътил боланинг зарарига “ишлайди”.

Хўш, у ҳолда нима қилмоқ керак? Ҳар бир боланинг дам олиш ва бўш вақтга эга бўлиш ҳуқуқи бор. Шундай экан, бутун ёз мавсумида унинг назоратсиз қолмаслиги, ҳам дам олиб, ҳам билим-кўникмаларини бир маромда мустаҳкамлаб бориши, болалар ўртасида соғлом турмушни сақлаб қолиш учун қандай “олтин ўрталик”ни топиш мумкин? Ахир юртимизда мактаб ёшидаги миллионлаган болаларни тўлиқ оромгоҳларга қамраб олишнинг имкони йўқ-ку!

ХАЁТИЙ МУҲИМ ЛОЙИҲА

Жорий йилнинг 15 май куни Президентимиз раҳбарлигида мактаб таълими тизимидаги ислохотларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёзги таътил даврида ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш учун театр, маданият марказлари ва концерт заллари, спорт майдончалари, оромгоҳ ва туризм объектлари имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш зарурлиги, мактабларда кундузги оромгоҳлар, спорт, фан ва касб-ҳунар тўғрисидаги ташкил этилиши белгиланди. Шу мақсадда 1 июндан 30 августгача давом этадиган “Долзарб 90 кун” лойиҳаси эълон қилинди.

Қайд этиш лозим, “Долзарб 90 кун” — бу Ўзбекистонда мактаб ўқувчилари учун амалга оширилаётган тарбиявий-маънавий лойиҳа бўлиб, ёз мавсумида болаларнинг интеллектуал, ахлоқий ва жисмоний ривожини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Шу орқали уч ойлик таътилни мактаб болалари учун нафақат дам олиш, балки шахсий ривожланиш, қобилиятларини намоён қилиш борасидаги қулай имкониятга айлантириш мақсади рўйга чиқарилади.

Анъанага мувофиқ, ҳар йили ёзги соғломлаштириш мавсумида республикамиздаги стационар оромгоҳларга мактаб ўқувчилари жалб қилинади.



МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИГА КўРА, ЖОРИЙ МАВСУМДА 1 МИНГ 239 ТА УМУМТАЪЛИМ МАСКАНИДА КУНДУЗГИ ОРОМГОҲЛАР ФАОЛИЯТИ ЙўЛГА ҚўЙИЛГАН ҲАМДА УНГА 170 МИНГ НАФАРГА ЯҚИН Ўқувчи ихтиёрий жалб қилиниши кўзда тутилмоқда.

ЯНА БИР АҲАМИЯТЛИ ЖИҲАТИ, “ДОЛЗАРЬ 90 КУН” ТАДБИРЛАРИ САБАБЛИ Ўқитувчилар меҳнат таътилидан фойдаланиш имкониятидан Маҳрум этилмайдди.

Мисол учун, ўтган йил мавсумида 192 та оромгоҳда 157 минг 960 нафар боланинг дам олиши таъминланган. Жорий йилда эса 189 та стационар оромгоҳларга 158 минг 780 нафар ўғил-қизини қамраб олиш режалаштирилган. Айни кунларда эса юртимиз бўйлаб 6 миллиондан зиёд ўқувчи ёзги таътилга чиққан. Кўрииб турибдики, стационар турдаги оромгоҳларга йўналтирилган болалар ўқувчилар умумий сонининг уч фоизига ҳам етмайди (бу мамлакатимизда болалар соғломлаштириш оромгоҳлари сони аҳолининг ўсиш динамикасига мутаносиб тарзда ошиб бориши таъминланмаганини кўрсатади). Демак, оромгоҳларга бормайдиган болалар билан ишлаш, таътил даврида уларни



назоратсиз қолдирмай, мавсумни мазмунли, самарали ўтказишига, ҳам мароқли дам олиб, ҳам салоҳиятини ривожлантиришга кўмаклашиш жуда долзарб.

Давлатимиз раҳбари юқорида келтирилган видеоселектор йиғилишида ушбу масалага жойлардаги ҳокимлар ва таълим соҳаси раҳбарлари бирдек масъулигини таъкидлаб, “Долзарб 90 кун” доирасида барча таълим муассасаларининг спорт майдончаси ва ўқув хоналарида ёшлар учун спорт, фан ва касб тўғрисидаги очилар, ўзлаштириш даражаси паст мактабларга оқсаятган фанлар бўйича энг яхши мутахассислар жалб қилиниб, ўқувчилар учун ҳафтасига олти соатлик ўқув курсларини ташкил этиш ташаббусини илгари сургани ҳаётий заруратдир.

ИХТИЁРИЙ ВА МАҚСАДЛИ

Мактабгача ва мактаб таълими вазириликка кўра, жорий мавсумда 1 минг 239 та умумтаълим масканида кундузги оромгоҳлар фаолияти йўлга қўйилган ҳамда унга 170 минг нафарга яқин ўқувчи ихтиёрий жалб қилиниши кўзда тутилмоқда.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, “Долзарб 90 кун” тадбирлари сабабли ўқитувчилар меҳнат таътилидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум этилмайдди. Республикадаги мавжуд барча умумтаълим мактаблари педагогларининг ёзги таътил даврида меҳнат таътилига чиқиши учун тегишли режа-график тасдиқланган ва мазкур режага асосан педагогларнинг белгиланган кунларда меҳнат таътилига тўлиқ чиқиши таъминланади. “Долзарб 90 кун” лойиҳасини амалиётга татбиқ этиш учун эса бу ўқитувчи-педагоглар меҳнат таътилидан бўш вақтида, ихтиёрий иштирок этиб, бир марталик пул мукофотлари билан рағбатлантирилиши кафолатланган.

Шу кунларда юртимизнинг исталган ҳудудидаги исталган мактабга борсангиз, “Долзарб 90 кун” лойиҳаси асосидаги амалий ишларнинг гувоҳи бўлишингиз мумкин.

Хусусан, яқинда Тошкент шаҳридаги мактабларда бўлган бир гуруҳ ОАВ вакиллари лойиҳа доирасида ўқувчилар ва педагог ходимлар учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиб, “Долзарб 90 кун” ҳар тарафлама мақсадга мувофиқ эканига амин бўдилар.

Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси масъулининг айтишича, пойтахтда юзта мактабда 5 мавсумга мўлжалланган бепул

кундузги оромгоҳлар ишга туширилмоқда. Ҳар бир мавсум 12 кундан, кунлик иш вақти эса 08:00 дан 12:00 гача этиб белгиланган. 50 мингдан ортиқ ўқувчи мазкур оромгоҳларга қамраб олинади. Улар бир марталик иссиқ нонушта билан таъминланади. Гигиена, хавфсизлик ва инфратузилма ҳолати туман ҳокимликлари ҳамда мутасадди ходимлар томонидан доимий назорат қилинади.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги 23 та спорт мактаби ёзги оромгоҳ иштирокчиларига ўз эшиklarини очиши, футбол, волейбол, миллий кураш, энгил атлетика, сузиш, шахмат каби спорт турлари бўйича мусобақалар, “Янги Ўзбекистон олимпиячилари”, “Беш ташаббус олимпиадаси”, “5 минг қадам юриш марафонлари” каби ташаббуслар орқали 490 мингга яқин ўғил-қиз спорт билан шуғулланишга йўналтирилиши маълум қилинди. IT, робототехника, ошпазлик, чет тили, касб-ҳунар йўналишлари бўйича ҳам 15 мингдан ортиқ ўқувчи махсус курсларда билим ва кўникмаларини ошириш имкониятига эга бўлади.

Ёзги таътил ҳаёт-мамонт масаласи саналган таълим-тарбияда танаффус бўлишига шароит яратмаслиги, ҳеч бир бола эътибор ва назоратдан четда қолмаслиги керак. “Долзарб 90 кун” лойиҳаси шу нуқтаи назардан ҳам алоҳида диққатга молик.

Александр КИМ, халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

- Фарғона вилоятида 946 та мактаб мавжуд бўлиб, уларда 675 мингдан ортиқ ўғил-қиз таълим олмақда. Айни пайтда ушбу мактабларда “Долзарб 90 кун” дастури кенг миқёсда ўтказилаётир. Бунга жойларда бўлган чоғимизда қайта-қайта ишонч ҳосил қилилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан амалиётга татбиқ қилинган мазкур лойиҳани нафақат маънавий-маърифий тадбирлар мажмуи, балки ёшларни Ватанга садоқатли, миллий қадриятларимизни чуқур англайдиган шахслар сифатида тарбиялашнинг самарали воситаси, деб биламан. Лойиҳага асосан мактабларда ташкил қилинаётган турли фанлар бўйича интерактив дарслар ва маърифий соатлар ўқувчиларнинг билим даражасини, фаоллигини ривожлантиришга туртки бермоқда.

Шунингдек, болаларнинг вилоятимиздаги маданият марказларига, музейларга, тарихий масканларга саёҳати ташкил этилаётгани уларда миллий ғурур, ўзлигини англаш каби маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришда айни муддао бўлмоқда.

Биз депутат сифатида ёшлар таълим-тарбиясига дахлдор бу лойиҳанинг амалий натижадорлигини таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз керак, деб ўйлайман. Маҳаллий ҳокимликлар, таълим ва маданият идоралари билан ҳамкорликда “Долзарб 90 кун” тадбирларининг



ХУСУСАН, ЯҚИНДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МАКТАБЛАРДА БўЛГАН БИР ГУРУҲ ОАВ ВАКИЛЛАРИ ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА Ўқувчилар ва педагог ходимлар учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиб, “ДОЛЗАРЬ 90 КУН” ҲАР ТАРАФЛАМА МАҚСАДГА МУВОФИҚ ЭКАНИГА АМИН Бўлдилар.

қамровини янада кенгайтириш, янги формат ва усуллар билан бойитишга, аҳоли кенг қатлами билан ишлашда бу лойиҳанинг аҳамияти ва моҳиятини чуқур сингдиришга ҳаракат қилишимиз устувор вазифаларимиздандир. Чунки эртанинг эгалари – болаларимизнинг замонавий билим ва кўникмаларини ривожлантириш, маънавий-ахлоқий етуқлигини ошириш борасида ҳеч биримиз четда туришга ҳаққимиз йўқ.

Фарида МАҲҚАМОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Бундан бир неча йил аввал БМТ яхши бир ташаббусга қўл урди. Яъни, озиқ-овқат маҳсулотлари исрофгарчилигига қарши курашиш бўйича глобал компания эълон қилди. Мақсад озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш эди. Мазкур ташкилот озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни тақсимлаш бўйича ёндашувни мутлақо ўзгартириш вақти келганини кўп таъкидлапти.

Ташкилот статистикасига кўра, дунёда ҳар йили қарийб тўрт млрд тонна озиқ-овқат ишлаб чиқарилади, агар улардан оқилона фойдаланиб, тақсимланса, бу сайёра аҳлининг барчасига етган бўларди. Афсуски, озиқ-овқат тақчиллиги ҳам, бу бозордаги нарх-наво ҳам кўтарилиб борапти.

Инсониятга хавфсиз озиқ-овқат керак



Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бугун глобал аҳамиятга эга масала сифатида жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Турли инқирозлар, жумладан, пандемиялар, табиий офатлар ҳамда геосийсий муаммолар мамлакатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эҳтиёжини кескин оширмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда 600 миллиондан ортиқ одам (ҳар 10 кишидан биттаси) озиқ-овқатдан заҳарланиш оқибатида касалланади ва 420 минг киши вафот этади. Тахлилчилар фикрича, бу нафақат соғлиқ, балки иқтисодий йўқотишларга ҳам олиб келади. Яна бир маълумот, сайёрамиздаги ҳар ўн кишидан бири озиқ-овқат билан боғлиқ касалликдан азият чекади. Шунингдек, 2 миллиарддан ортиқ одам озиқ-овқат хавфсизлиги мўътадил ёки мавжуд бўлмаган шароитда яшамоқда. Бунда нафақат очлик ва сувсизлик, балки мавжуд озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатсиз ва истеъмолга яроқсиз экани ҳам назарда тутилади. Ушбу инсонларнинг 556 миллион нафари ёки 25 фоизи Осиё қитъасида яшайди.

Булар шунчаки статистика эмас. Ҳар бир рақам ортида инсон ҳаёти ва саломатлигига раҳна солувчи ташвишли ҳолат мавжуд. Демак, озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи ҳар бир давлат учун стратегик аҳамиятга эга. Хусусан, Ўзбекистон учун ҳам.

САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Озиқ-овқат инсон учун ҳаво ва сувдан кейинги энг муҳим эҳтиёждир. Шу маънода айтадиган бўлсак, ҳар бир фуқаронинг тоза ва соғлом овқатланишга ҳаққи бор. Қолаверса, сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлиш истеъмолчилар ҳуқуқларининг ажралмас қисmidир. Аммо ҳозир озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ниҳоятда долзарб масалага айланди.

Чунки бугунги кунда табиатга бепарқ муносабат, унга антропоген таъсирнинг кучайиб бориши, исрофгарчилик, илғор ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги озиқ-овқат баланси бўйича фарқнинг ўсаётгани, иқлим ўзгаришлари қатор салбий омилларни келтириб чиқармоқда.

Ер юзиде аҳоли сонининг ўсиши, иқтисодий тангликлар, глобал иқлим шароитининг ўзгариши ва бошқа омиллар сабабли инсониятнинг озиқ-овқат маҳсулотларига талабини қондириш тобора қийинлашмоқда.

Муқаддас РАҲМАТУЛЛАЕВА, Шайхонтоҳур туманидаги 44-оилавий поликлиника бош шифокори, халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

Озиқ-овқат хавфсизлиги, аввало, миллат саломатлигининг гаровидир. Хавфсиз, соғлом келажак куриш учун биз истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатли ва саломатлигимизга фойдали бўлиши керак.

Буюк аллома Ибн Сино бобомиз ўрта асрлардаёқ "Қимки узоқ ва соғлом ҳаёт кечиришни истаса, аввало, овқатнинг сифати ва миқдорига эътибор қаратсин", деб таъкидлаган.

Озиқ-овқат хавфсиз бўлмаган жойда одам, айниқса, болалар ҳеч қачон тўлиқ ривожлана олмайди. Деҳқон ва фермерлар, тadbиркорлар ўз маҳсулотини бозорга чиқара олмайди. Демак, бу масала бевосита мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига ҳам таъсир кўрсатади.

Сифатсиз озиқ-овқат 200 га яқин касаллик, жумладан, саратонга ҳам сабаб бўлиши мумкин. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллион нафардан ортиқ киши, яъни, ҳар 8 одамнинг бири тўйиб овқатланмаяпти.

Энг сўнги тадқиқотлар эса сайёра аҳолисининг 30 фоиздан зиёди тўйиб овқатланмаслик оқибатида энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосидан азият чекаётганлигини, 52 мамлакатда очликнинг "жиддий", "хавотирли" ва "фавқуллода жиддий" даражалари қайд этилганини кўрсатмоқда.

Бунинг оқибатида дунёдаги 160 миллиондан ортиқ болада буй ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланиш билан боғлиқ жиддий камчиликлар

кузатилмоқда.

Демак, озиқ-овқат хавфсизлиги фақат истеъмолчилар эмас, балки давлат учун ҳам стратегик масала. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда аҳолини хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш муҳим вазифалар сирасига киради.

Ўзбекистон аҳолиси йилига қарийб 1 миллион нафарга ўсиб борапти, ер ва сув манбалари эса чекланган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича стратегик жиҳатдан мақсадли ҳамда изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Масалан, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида айна йўналишда қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш мақсади белгиланган. Ушбу мақсад доирасида бир гектар ердан олиннадиган ўртача даромадни 5000 долларга, қишлоқ хўжалиги соҳасида экспорт қийматини йилига 10 миллиард долларга, ҳосилдорликни пахта бўйича ўртача 45-50, ғалла бўйича 80-85 центнерга етказиш, аграр соҳага жами 15 миллиард долларлик инвестиция жалб қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш кўрсаткичининг 25 фоиздан юқори бўлишини таъминлаш, ҳудудларда 2,5 миллион тонна қувватга эга 10 та янги агрологистика маркази фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг экспорт салоҳиятини 1 миллиард долларга олиб чиқиш каби устувор вазифалар режалаштирилган.

Хусусан, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясини "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида яхши навли ва хорижий давлатлардан олиб келинган уруғларни экиш, интенсив технологиялардан фойдаланган ҳолда экинлар парварлишини йўлга қўйиш орқали даромадни кўпайтириш кўзда тутилган. Шунингдек, 500 минг гектар ерда илгор технологияларни жорий этиш ҳисобига 2-2,5 миллиард куб метр сувни иқтисод қилиш, чорвачиликда йиллик ўсиш суръатини камида 3,8 фоизга етказиш, ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини 1,2 баробар, экспорт ҳажминини 1,5 баробар ошириш каби мақсадлар ўрин олган.

Мазкур соҳадаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш мақсадида ҳудудларимизда давлат-хусусий шериклик шартларида ихтисослаштирилган омборлар, музлатиш камералари ташкил этилиб, озиқ-овқат товарларини қайта ишлаш ва қадоқлаш бўйича замонавий юқори технологик, энергия самарадор ускуналар билан жиҳозлангандир. Ички бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аграр комплексни ривожлантириш, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг таъсирчан механизмларини қўллаш, озиқ-овқат бозори барқарорлигига таҳдидларни ўз вақтида бартарарф этиш, озиқ-овқат товарлари импортини қулай боғжона тариф тартибига солиш бўйича чоралар кўрилди.

Маълумот учун:

Агар озиқ-овқат саноати ва мевасабзавот маҳсулотлари йўналишини таҳлил этсак, мамлакатимизда жами 23 миллион тонна маҳсулот етиштирилади. Шундан 5-6

миллион тоннаси экспортга, қолганлари ички бозорларимизга йўналтирилади. Ижтимоий аҳамиятга эга ўн турдаги маҳсулот кесимида олсак, эҳтиёжнинг ўртача 80 фоизини ўзимиз қоплаймиз. Масалан, картошка эҳтиёжга нисбатан 86-87, гуруч 82 фоизни ташкил қилади. Гўшт маҳсулотлари бўйича қарийб 95-100 фоизлик маррани забт этганмиз. Аммо ўсимлик ёғи масаласида камчилигимиз бор — унинг атиги 6 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилади. Пиёз, сабзи, ун, тухум ҳамда сут маҳсулотлари ҳажми эса 107 фоиздан 128 фоизгачани ташкил қилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИК ДАРАЖАСИ ҚАНДАЙ?

Озиқ-овқат орқали юқадиган касалликлар билан боғлиқ юкнинг кўлами безгак ёки ОИТСдагидан кам эмас, — дейди Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ахборот хизмати раҳбари Мафтуна Саидова. — Ҳозирги замонавий дунёда, табиийки, кўпроқ кўчадан, умумий овқатланиш жойларидан овқатланамиз. Афсуски, уларнинг ҳаммаси ҳам санитар-гигиеник талабларга жавоб бермайди. Бундай салбий ҳолатлар тўғридан-тўғри инсон саломатлигига хавф тўғдиради. Шу боис давлат томонидан ушбу соҳада қатъий назорат ва тизимли ислохотлар олиб борилмоқда.

Хусусан, республикамизда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида фаолият юритиб келаётган қўмитамиз ушбу йўналишдаги асосий назорат органи саналади. 2024 йилда амалга оширилган 15 мингдан ортиқ текширувлар давомида 2 мингга яқин умумий овқатланиш масканларида турли хил қоидабузарликлар аниқланган. Улардан 100 дан ортиги жиддий хавф тўғдиргани сабабли вақтинча фаолияти тўхтатилган.

Кўпчилик муассасаларда САҚЛАШ МУДДАТИ ЎТГАН МАҲСУЛОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ, ОЗИҚ-ОВҚАТ ЗАНЖИРИ САНИТАРИЯ ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРМАСЛИГИ, ХОДИМЛАР ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТМАСЛИГИ КАБИ ҲОЛАТЛАР ҚАЙД ЭТИЛГАН. АЙНИҚСА, КИЧИК ҚАДОҚЛАНМАГАН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЯРОҚЛИЛИК МУДДАТИ ЎТГАНЛИГИ АНИҚЛАНГАН.

Мамлакатимизда ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида тизимли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Президент қарорига асосан қўмита ваколатлари кенгайтирилди, замонавий лабораториялар ташкил этилди. Ҳозир ҳар бир ҳудуддаги риск-гуруҳдаги муассасалар фаолияти "risk-ssv.uz" электрон платформаси орқали баҳоланмоқда.

Шунга қарамай, амалиётда айрим муассасалар назоратдан четда қолмоқда. Баъзи жойларда текширувлар номига ўтказилмоқда. Шунингдек, таъминотчиларнинг (ёки етказиб берувчиларнинг) мувофиқлик

сертификатлари, маҳсулот таркиби, келиб чиқиш манбаи тўғрисида етарли очиқлик йўқлиги ҳам асосий муаммо ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, озиқ-овқат хавфсизлиги фақатгина давлат назорати билан эмас, балки истеъмолчи, тadbиркор ва жамоатчилиқнинг ўзаро ҳамкорлиги орқали таъминланади. Ҳар бир фуқаро шафқофликни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Оммавий овқатланиш масканлари эса ўз навбатида сифатлилик ва хавфсизлик мезонларига жавоб бериши, ишончли муҳит яратиши шарт. Шундагина соғлом авлод ва хавфсиз келажак барпо этилади.

ИСТЕЪМОЛ НОРМАЛАРИ ҲАР УЧ ЙИЛДА ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

Зокиржон ЗОҲИДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

2025 йил 3 февралда давлатимиз раҳбари "Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунни имзолади. Ушбу қонун мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва соҳага алоқадор ҳуқуқий муносабатларнинг асосини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди. Чунки у озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини назорат қилишни кучайтириш, барқарор ривожланишни таъминлаш ва миллий иқтисодиётда озиқ-овқат тармоғининг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган.

Қонун 5 боб ва 25 моддадан иборат бўлиб, унда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича умумий қоидалар, ушбу соҳани тартибга солиш ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, истеъмолчиларнинг, хўжалик ортиқчи субъектларининг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этган.

Қонуннинг мақсади озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонуннинг қўллаб-қувватлаш, истеъмолчиларнинг қиммати эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари билан хавфсиз овқатланишини таъминлашга, самарали бозор механизмларини шакллантириш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом ашёсини ишлаб чиқаришга нисбатан татбиқ этилади. Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги асосий тамойиллар, бу борада давлат сиёсатининг йўналишлари белгиланган.

Қонунга кўра, озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нормалари мамлакатнинг демография, ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичларига асосан ҳар 3 йилда қайта кўриб чиқилади.

Энг асосийси, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда Вазирият Маҳкамаси, ваколатли давлат органи, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ваколатларига аниқлик киритилди.

Эсингизда бўлса, мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда пахта яккахокимлиги авж олган, картошка, дон, сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотлари четдан олиб келинарди. Ваҳоланки, бу маҳсулотларни ўзимизда, серҳосил даладаримизда етиштириш мумкин эди, лекин етиштирилмаган.

Аммо бугунга келиб, 96 фоиз озиқ-овқат маҳсулотлари ўзимизда етиштириляпти, ишлаб чиқариляпти ва экспорт қилиняпти. Бу яхши натижа, албатта.

Мақолани тайёрлаш жараёнида бир маълумотга кўзимиз тушди. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида "Минг йиллик ривожланиш мақсадлари"га эришгани учун махсус мукофотиغا сазовор бўлган 14 давлат орасида Ўзбекистон ҳам бор. Бу мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва барқарор ривожланишга қаратилган стратегик саъй-ҳаракатларининг амалдаги яна бир самарасидир, дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ва сифати ҳар бир инсон учун ниҳоятда муҳим. Уни таъминлашда эса нафақат озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, балки барча масъул. Ҳар ким хавфсиз овқатланиш ҳуқуқига эгаллигини таъкидладик. Бу ҳуқуқни ҳимоя қилиш эса умумий бурчимиздир.

Лазиза ШЕРОВА, "Ўзбекистон овози" муҳбири.





ЗАМИНДА ҚУЁШДАЙ ПОРЛАР НАМАНГАН

“Гуллар шаҳри” таърифига монанд ўзгача чирой очган Наманган айни кунларда нафақат раҳматли, балки ён-қўшни давлатлар ва Ер юзининг турли нуқталаридан чинакам гўзаллик шайдолари билан янада гавжум. Мевасидан шеваси ширин, танти наманганликлар анъанавий Халқаро гуллар фестивалига юксак уюшқоқлик ва ажабтовур кўтаринкилик билан таррадуд кўргани ҳар қадамда сезилади.

Шуни айтишга бурчлиманки, илгари вилоятимиз, нари борса водий миқёсида ўтказилган гуллар байрами 2018 йилдан бошлаб Президентимиз ташаббуси билан Халқаро гуллар фестивали мақомига эга бўлди. Ва бу фестиваль қисқа даврда дунё мамлакатлари, халқлари учун бирдамлик, ҳамжихатлик, қардошлик, дўстлик, бизнес учун ҳамкорлик анжуманига ҳам айланди. Унда турли давлатлар, миллатлар, эл-элатлар, дипломатик корпуслар, диний конфессиялар вакиллари иштирок этиш шарафига муяссар бўлганликлари нақадар қувонарли ва ифтихорлидир. Янада аҳамиятлиси, у наинки кўнгилочар, балки вилоят учун катта даромад, ҳатто хунарамандлар учун буромад, ишсизлар учун вақтинчалик иш ўрни сифатида хизмат қилиб, одамларнинг даромади ошишида асқатмоқда.

ШУКУҲ ВА КЎТАРИНКИ РУҲ

300 минг нафарга яқин хорижий ва 6,5 миллионга яқин маҳаллий (бу ўтган йилига нисбатан қарийб 2 баравар кўп) сайёҳларнинг, 100 дан ортиқ халқаро блогерлар ва туроператорларнинг ташрифи қутилган, мингга яқин гул композицияси, дизайнерлик объектлари ва инсталляциялар намоиш этилаётган, Наманган шаҳрини, таъбир жоиз бўлса, гуллар галереясига айлантирган фестиваль қизгин давом этмоқда.

Вилоят ва мамлакатимизнинг кўзга кўринган санъат намоёндалари ва иқтидорли ёш ижрочиларнинг дилтортар навалари, кўшиқ-рақслари билан бошланган фестивалнинг тантанали очилиши ўзининг сержозиб, дилтортарлиги билан анжуман аҳлини хушнуд этди.

Анъанавий байрамда иштирок этаётган гулчиларнинг сони уч минг нафардан ошгани (бир замонлар бу рақам атиги юз нафар атрофида бўлган) тадбир кўламининг нақадар кенгайганидан яққол далолатдир. Тадбир доирасида 150 миллион АҚШ долларидан ошқ туристик хизматлар кўрсатиш кўзда тутилмоқда. “Гул иқтисодиёти” халқаро форумида эса қатор мамлакатлардан келган инвесторлар билан икки томонлама тузиладиган ҳамкорлик шартномалари янги имкониятлар учун эшик очмоғи тайин.

Фестивал давомида бу анжуман нафақат гуллар, балки минглаб тадбиркорларнинг ўз маҳсулотларини кўз-кўз қиладиган, нафақат кўз-кўз, балки бирларини юз, юзларини минг қиладиган – даромадларига даромад қўшадиган, аниқроғи, вилоят бюджетига тушум тушадиган манбаларни ишга тушириш анжуманига айланаётгани таҳсинга лойиқ. Бу саъй-ҳаракатларда нафақат вилоят аҳли, балки хорижий ишбилармонлар ҳам қатнашаётгани нур устига аъло нур бўлаётир. Худди мана шу

ишлар самараси ўлароқ гул етиштириш, кўчатчилик, дизайнерлик ва ландшафт архитектураси сингари соҳаларга талаб кескин ошиб бормоқда.

Фестиваль баҳона ўтказилаётган концертлар, мода кунлари ва бошқа кўнгилочар тадбирлар, турли танловлар барчага завқу шавқ улашмоқда. Хуллас, гўзаллик байрамининг шукуҳи, давралар



руҳи одамлар онгида, тафаккурида янги замон, Янги Ўзбекистонда яшаш сурурини ўйғотмоқда.

ГУЛЛАР ТАБАССУМИ – ДИЛЛАР ТАБАССУМИ

Жорий йилда ҳам бу байрам, одатга кўра, ранг-баранг гулларга бурканган автокарвоннинг юриши билан бошланди. Наманган шаҳри бўйлаб йўлга чиққан автомашиналар парадини томоша қилган киши борки, яйради, десам ишонаверинг. Бу парадда энг қадимги машиналардан тортиб, энг сўнги русумдаги автоуловларни ҳам учратишингиз мумкин эди. Барчаси ўзига хос тарзда гуллар билан безатилганини кўриб, инсоннинг қўли гул эканига яна бир қарра амин бўласиз.

Бу ўринда шу заминнинг фарзанди сифатида кейинги йилларда Наманганда қўлга киритилаётган залворли ютуқлардан ғурурланган ҳолда бир фикрни таъкидлагим келади.

Наманган яқин-яқингача дотация, субвенция ҳисобига яшаётган вилоятлардан бири саналган. Бугунги кунда унинг иқтисодий ўсиш даражаси тобора юксалиб, экспорт салоҳияти ортаётгани, ижтимоий, маданий, маърифий соҳаларда ҳам етакчилик қилаётгани мақтовга сазовор. Айниқса, ҳудудда туризм жадал суръатда ривожланмоқда. Бунда, табиийки, Халқаро гуллар фестивалининг ҳам таъсири катта.

Нуфузли хорижий меҳмонларнинг Халқаро гуллар фестивалга қизиқиш билдираётгани, унинг иштирокчисига айланаётгани бу нафосат ва гўзаллик байрамининг жаҳон миқёсдаги эътирофидан яққол далолат беради.

Шу кунларда гуллар шаҳрида ястаниб ётган гуллар расталари, жозибадор йўлаклар, бетакрор зебу ҳашамлар теғрасида ҳаяжонга тушаётган ажнабий сайёҳлар, кўпни кўрган, аммо бунақасига биринчи бор дуч келаётгандай ҳайратвор нигоҳли нуронийлар, ҳар қадамда отаси ёки онасининг кўлидан чиқиб, гуллар оғушига ўзини ураётган қувнок болакайларни кўрган ҳар қандай киши гуллар табассуми диллар табассумига эврилаётганини илғашни қийин эмас.

бутун водий, мамлакат, қолаверса, хорижий меҳмонларни ўзининг серфайз давраларига чорлаётир. Бинобарин, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими фаоллари яқинда қўшни Тожикистоннинг Хўжанд, Қирғизистоннинг Олабуқа, Карвон, Саричелак сингари баҳаво масканларига бориб, булбулнафас қардошларини ўз сафларига чорлаб келишган эди.

“Машрабхонлик кунлари” ҳам гуллар байрами дастуридан жой олиб, халқаро анжуман тусида ўтаётгани янада эътиборга молик. Дилбар Бону, Боқий Мирзо, Носир Аббос, Беназир, Рўқия Ғозиева, Малика Бойхонова, Абдумуталлиб Қосимий, Алишер Жўраев ва бошқа наманганлик ижодкорлар иштирокидаги шеърхонликлар, шунингдек, вилоят Маънавият-маърифат кенгаши, Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театри, вилоят кўғирчоқ театри, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллигида ўтказилаётган маданий тадбирлар фестивал мазмун-моҳиятини янада бойитмоқда. Энг характерлиси, бу тарғибот гуруҳи аъзолари маҳаллаларга, таълим муассасаларига, болалар ёзги оромгоҳларига ҳам бориб, ўз дастурларини намоиш этмоқда.

Бугун дунёнинг турли нуқталарида талотўплар, нохушликлар содир бўлаётгани, натижада хотиржамлик ва осуда ҳаёт минглаб инсонлар учун орзуга айланиб қолаётгани маълум. Не бахтки, мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталик ва жойларда қизгин олиб борилаётган кенг кўламдаги бунёдкорликлар ҳар биримизда шуқроналик туйғуларини мустаҳкамламоқда. Ўлкаимизнинг қаерига борманг, яратувчанлик иштиёқидаги халқимизнинг ўз меҳнати нашидасини суриш бахтини кўзингиз билан кўрасиз, қалбдан ҳис этасиз, руҳий озуқа, илҳом оласиз. Бунга кимдандир заррача шубҳа бўлса, мана, бизнинг Наманганга, жаннатмонанд юртимизнинг гулгун бир парчасига келсин, кўрсин, яйрасин!

**Зиёвиддин МАНСУР,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Наманган вилоят бўлими раҳбари,
халқ депутатлари вилоят Кенгаши
депутати.**

БУЛБУЛЛАР НАЗМИ

Булбул қаерда бўлади, унинг асл макони қаер? Қандай жойда жўшиб, завқларга завқ қўшиб сайрайди? Аниқки, унинг асл макони гулзор, у гулга ошувда, гулга ошиқи беқарор, у гўзалликдан илҳом олади.

Наманганлик ижодкорлар Халқаро гуллар фестивали доирасидаги тадбирларнинг энг фаол иштирокчиси экани боис ҳам балки шудир. “Гуллар базми, булбуллар назми” номли мушоира бугунги кунда нафақат Наманган, балки



МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

ДЕПУТАТНИНГ АМАЛИЙ ЁРДАМИ

Халқ депутатлари Юнусобод туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутати Санжар Собиржонов “Тикланиш” маҳалласида фуқаролар билан очик мулоқот ўтказди.

Учрашув давомида маҳалла аҳолиси томонидан кўтарилган инфратузилма, атроф-муҳит тозаллиги, ишсизлик, ёшлар бандлиги масалаларидаги долзарб муаммолар тингланди. Депутат муаммоларни ҳал этиш бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалий чоралар кўрилишини маълум қилди.

Мулоқотдан сўнг Санжар Собиржонов маҳалладаги кам таъминланган, ногиронлиги бўлган, меҳнатга лаёқатсиз ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар хонадонларига бориб, уларнинг яшаш шароитлари ва эҳтиёжлари билан яқиндан танишиди.

ШИРИН ШАҲРИДА “САЛОМАТЛИК АКЦИЯСИ”

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ширин шаҳар кенгаши раиси Н.Акрамова ташаббуси билан шаҳар тиббиёт бирлашмасида эҳтиёжманд

оилалар учун бепул тиббий кўрик ташкил этилди.

Кўрик доирасида малакали шифокорлар фуқаролар, аёллар ва болалар соғлигини синчковлик билан текшириб, зарур маслаҳат ва тавсиялар берди.

Бу каби амалий ишлар аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакилларига кўмак беришда муҳим аҳамият касб этади.

СИЁСАТДАГИ ЁШЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши ташаббуси билан вилоят Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ўзбекистон-Финляндия педагогика институти ҳамкорлигида “Сиёсатдаги ёшлар” лойиҳаси ўтказилди.

Мазкур лойиҳа ёшларнинг сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини кенгайтириш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилишида уларнинг таъсирини ошириш, иқтидорли ва сиёсатга қизиқувчи ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратишга йўналтирилган.

Тадбирда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган иштирокчилар жамоаларга бўлинган ҳолда уч босқичли беллашувда ўз билим ва салоҳиятларини синовдан ўтказишди. Ғолиблар ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Қолган жамоаларга ҳам партиянинг ташаккурнома ва совғалари топширилди.

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ТАШАББУСИ

Халқ депутатлари Тахтакўпир туман Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан 3 та соҳа бўйича мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланди.

Дастлаб давлат раҳбарининг “Кўп квартиралли уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори асосида туман марказидаги кўп квартиралли уйларга сервис хизматини кўрсатиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида Тахтакўпир туман ҳокимининг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология масалалари бўйича ўринбосарининг ҳисоботи тингланди. Бу борада туманда ечимни қутаётган муаммолар борлиги депутатлар томонидан танқид қилинди.

Шунингдек, сессияда «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг ижроси, Ёшлар ишлари агентлиги Тахтакўпир туман бўлими томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан мутасаддиларнинг ҳисоботи ҳам эшитилди.

Барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**ЎзХДП Марказий Кенгаши
Ахборот хизмати.**

СЕМИНАР

Ўзбекистонда 2020 йилда 168 та нашриёт фаолият юритган бўлса, 2025 йил 1 июнь ҳолатига уларнинг сони 601 тага етган. Яъни, ноширлик соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари 2020 йилга нисбатан қарийб 3,5 баробарга (433 тага) ошган.

Бу маълумотлар Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташаббуси билан Ўзбекистон ноширлари ва китоб савдоси ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида ил бор ўтказилган "Ноширлик иши ва муаллифлик ҳуқуқларини бошқаришда замонавий тенденциялар" мавзусидаги семинарда қайд этилди.

Икки кун давом этган тадбирда нашриётлар, матбаа корхоналари ва китоб савдоси,

НОШИРЛИК ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

ахборот-кутубхона марказлари раҳбарлари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Яна бир маълумот, нашриётлар томонидан 2020-2024 йиллар давомида ҳар йили ўртача 11,6 минг номдаги жами 197,9 миллион нусхадаги адабиётлар чоп этилган.

– Франкфурт китоб ярмаркаси ташкилотчилари билан ҳамкорликда ўтказилган семинар халқаро ҳамкорликни

муштаҳкамлаш, ўзаро тажриба, фикр алмашиш, янгиликлар билан танишиш, бир сўз билан айтганда, ноширлик фаолиятидаги энг сўнгги тенденцияларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади, – дейди Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори ўринбосари Ғайрат Бозоров. – Шу билан бирга, ноширлик ва матбаа маҳсулотларини ишлаб

чиқариш жараёнига илғор техника ва технологияларни олиб кириш, замонавий тажрибаларни оммалаштириш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, энг муҳими, фаолиятимизни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш масалаларини режалаштирганмиз.

Семинарда юртимиз ноширларининг кўплаб халқаро китоб кўргазмалари, анжуман ва форумлардаги иштироки, хусусан,

қатор хорижий мамлакатларда ўтказилган 20 дан ортиқ халқаро тадбирларда тажриба алмашгани қайд этилди.

Шунингдек, Ўзбекистонда болалар ва ўсмирлар адабиётини ривожлантириш, янги контентларни яратиш, ўзбек болалар ёзувчиларининг асарларини хорижий



давлатларда оммалаштириш борасидаги муҳим вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Иштирокчилар, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, лицензияларни сотиш ва харид қилиш, ноширлик фаолиятида сунъий интеллект ўрни, имкониятлари ва таъсири ҳақида ҳам ўз мулоҳазаларини баён қилди.

Шунингдек, бу каби семинар ва анжуманлар ноширлик соҳасида янгиликлар билан танишиш, тажриба алмашиш ҳамда самарали лойиҳаларни амалга ошириш учун янги майдон бўлиб хизмат қилиши қайд этилди.

Тоштемир МУРОД,
"Ўзбекистон овози"
муҳбири.



"БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ": Мобиль илова фойдаланувчилари бир миллионга етказилади



ва янгиликлар киритиб борилмоқда, – дейди "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ Бошқарув раиси ўринбосари Баҳромхўжа Шарипов. – Бугунга қадар 33 та лойиҳа масъул департамент томонидан муваффақиятли амалга оширилди. Онлайн авто ва таълим кредитлари, овердрафт, банк картасига буюртма бериш каби хизматлар шулар жумласидан. Ҳозирда эса микросервислар, онлайн сугурта, "BRB NEO" ва VISA-сўм сингари 8 та лойиҳа устида иш олиб борилмоқда.

Эътиборлиси, мижозларни анъанавий филиаллар тармоғидан рақамли каналларга (айниқса, мобил иловадан фойдаланишга) ўтказиш орқали банкнинг операцион харажатларини самарали оммалаштиришга эришилмоқда.



Сўнгги йилларда мамлакатимизда банк хизматларининг оммабоплиги ва қулайлигини оширишга устувор эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун тизимга замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини кенг жорий этиш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш ҳамда молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш чоралари кўриляптир.

Айни йўналишда "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ амалиётга татбиқ қилаётган лойиҳаларни, ташаббусларни алоҳида эътироф этмоқ жоиз.

Мазкур банк томонидан "Рақамли мижозлар сонини ошириш: натижалар ва режалар" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақида сўз борди. Унда банк бошқаруви аъзолари, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда аҳолига хизматлар кўрсатишни ривожлантириш, ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда хизматларнинг янги турларини йўлга қўйиш борасида салмоқли ишлар олиб борилаётгани таъкидланди. Хусусан, "Бизнесни ривожлантириш банки" мобил иловаси фойдаланувчилари сонини 1 миллион нафарга етказиш вазифаси белгилангани ва ҳозирги кунда

иловада рўйхатдан ўтган мижозлар сони 546 минг нафардан ортгани, шу билан бирга, мазкур мақсадга 2025 йил охирига қадар эришган ҳолда, келаси йил улар сафини 1,6 миллион нафардан ошириш кўзда тутилаётгани маълум қилинди.

Маълумот ўрнида яна шунини айтиш мумкинки, 2024 йилнинг дастлабки 5 ойида мобил иловадан рўйхатдан ўтган янги мижозлар сони 42 минг нафарни ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг январь-май ойларида бу рақам 210 минг нафарга етган. Шунинг ўзиёқ банкнинг рақамли мижозлари сони шиддат билан ўсиб бораётганидан далолат беради.

– "BRB Mobile" иловасининг барқарор ишлашини таъминлаш ва унинг функционалликни янада яхшилаш мақсадида доимий равишда ўзгариш

– Бугунги кунда рақамли мижозларнинг асосий хавотири – бу мобил иловадан фойдаланишда етарли даражада хавфсизлик чораларининг таъминланмаганлигидир, – дейди "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ Инновацион ва рақамли технологиялар департаменти директори ўринбосари Абдурашул Абдуҷабборов. – Шу сабабли мамлакатимизда биринчи бўлиб "BRB Mobile" иловасида илғор "Session antifraud" тизими жорий этилди. Тизим фойдаланувчи иловага кирган заҳоти ишга тушади ва сунъий интеллект асосида қурилмадаги шубҳали иловалар ҳамда зарарли дастурларни аниқлайди. Шу билан бирга, мижоз профилига нечта курилма орқали кириляётганини таҳлил қилади ва хавф

даражасини баллар асосида баҳолайди. Хавфли ҳолат аниқланган тақдирда, мижознинг профили автоматик тарзда вақтинча блокланади.

Мобил илова орқали транзакциялар ҳамда сотувлар бўйича ҳам ўсиш кузатишмоқда. Шу йилнинг дастлабки 5 ойида 2,3 миллионга яқин тўлов транзакциялари амалга оширилгани бунинг исботи. Кредит ҳамда банк картаси олиш учун тақдим қилинган аризалар сони эса 66 мингтадан ортиқ бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 7,3 баробарга ошган.

Матбуот анжуманида банк оғиларида 43 та хизмат рақамлаштирилгани қайд этилди. Бундан ташқари, банкнинг юридик мижозлари масофавий операционларни амалга оширишлари учун мўлжалланган "BRB Internet banking" онлайн саҳифасида рўйхатдан ўтганлар сони 1 июнь ҳолатига 33 минг нафарни ташкил этган. Юридик мижозларнинг беш ой давомидаги ўтказмалари сони эса 1,9 миллионга етган.

Тадбирда журналистларнинг мавзу юзасидан қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб берилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози"
муҳбири.

Реклама ҳуқуқи асосида.



МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toشتهмир XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 537. 1687 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 22:10

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.